O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doverie.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 17-yanvar № 8 (3045) seshanba

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги олдидан

■ Людмила ШУЛЬГА,
Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.
(ЎзА)

Шу юрт фарзанди эканимдан фахрланаман

Мен украин миллати вакилиман. Барча миллат ва элат вакилларига бирдек эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётган Ўзбекистонда туғилиб ўсдим, таълим-тарбия олдим, ҳаётда ўз ўрнимни топдим.

Ота-онам Украинада туғилиб ўсган бўлишса-да, уларнинг тақдир йўллари Ўзбекистон билан туташган. Шу ерда оила қуриб, меҳнат қилганлар. Биз, оиладаги беш фарзанд ҳам Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида туғилганмиз. Туман марказидаги 6-мактабда таълим олдик. Кейинчалик ўз қизиқишимизга қараб касб-ҳунарли бўлдик. Акам ва укам отам изидан бориб, транспорт соҳасини танлади. Уч опа-сингиллар эса ўқитувчимиз.

Мен Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг тарих факултетида таҳсил олдим. Сўнгра ўзим ўқиган мактабда ўқитувчилик қила бошладим.

Йигирма йилдан зиёд мактабга раҳбарлик қилдим. Бу даврда муассасамиз таълим-тарбия сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратдик. Айниқса, мустақиллик туфайли, Президентимизнинг таълим соҳасига эътиборлари самарасида юқори натижаларга эришдик. Ўқитувчиларимиз вилоят, мамлакат миқёсидаги танловларда муваффақиятли иштирок этди. 1995 йилдан буён мактабимиз рейтинг кўрсаткичлари бўйича туманда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. 2002 йилда «Йил мактаби» танловининг вилоят босқичида биринчи, мамлакатда эса тўртинчи ўринни эгалладик.

Ана шу муваффақиятлар сабаб бўлса керак, 1996 йилда Президентимиз Фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. 2007 йилда эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлдим. Давлатимизнинг ушбу нуфузли мукофотини Президентимиз қўлидан қабул қилиб олган чоғимдаги қувонч ва ҳаяжон умримнинг энг унутилмас дақиқалари бўлиб қолди.

Туман марказидаги «Мустақиллик» маҳалламизда мени барча «муаллима опа», деб ҳурмат қилади. Тўй-маъракалар, байрам тадбирларини турли миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб ўтказамиз. Тўйларда ёшларга тилак билдиринг деб, кўпинча менга сўз беришади. Шунда маҳалладошларимни ўзбек ва украин тилларида табриклайман, ёшларга бахт-саодат тилар эканман, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тотувликка кўз тегмасин, дейман.

Оиламизда ҳам ўзбек ва украин халқларининг миллий маданияти, урф-одат ва анъаналари эт ва тирноқдек бир-бирига сингиб кетган. Ота-онамдан ўрганганларимни мен ҳам фарзанд ва набираларимга ўргатяпман. Турмуш ўртоғим — Геннадий Шульга билан икки ўғилни вояга етказдик. Тўнғич фарзандимиз отаси касбини танлаб, ҳозир пойтахтимиздаги автокорхонада меҳнат қиляпти. Кенжамиз Олег эса ўқитувчиликни танлади. Мактабда болаларга компютер сирларини ўргатмоқда.

Пенсия ёшида бўлсам-да, ҳамон қадрдон мактабимда ёш ўқитувчиларга устозлик қилиб, ўқувчиларга тарих фанидан дарс бериб келяпман. Шогирдларим тез-тез йўқлаб туришади, уларга ҳаёт йўлим, тажрибаларимдан сўзлаб бераман.

Бундай бахтга эришишим, давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишим, ҳеч шубҳасиз, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида барча миллат ва элат вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир. Мен шу муқаддас юрт фарзанди эканимдан фахрланаман.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Суратда кўриб турганингиз Жўрабек ва Дилдора Жумабоевлар бахтли ҳаёт кечираётган ёш оилалардан. 8 ойлик Жайронахон уларнинг фарзанди — асал қанди. Жўрабек — иқтисодчи, Дилдорахон эса — ўқитувчи. Бири оилани моддий томондан таъминласа, иккинчиси маънавий жиҳатдан.

— Оила мустаҳкам бўлиши учун эр-хотин бирдамлик билан ҳаракат қилиши керак, — дейди Жўрабек Жумабоев. — Шу билан бирга, улар келажакка умид ва ишонч билан қараши, бор имкониятлардан унумли фойдалана билиши керак. Ана шунда ҳар бир оила метиндек мустаҳкам бўлади.

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган сурат

Миннатдорлик

■ Қудрат ОЧИЛОВ,
«Бир сафда» журнали касаба уюшма қўмитаси раиси

Эзгу қадрият

Меҳр-мурувват, хайр-саховат халқимизга хос эзгу қадриятлардан. Касаба уюшмалари ҳам бундай хайрли ишлардан четда эмас.

Айниқса, ногирон ва меҳрга муҳтожларга ёрдам кўрсатиш ғоятда савобли. Тошкент шаҳар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма кенгаши имконияти чекланган инсонларнинг кўнглини кўтариш, имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилиб келмоқда.

Янги йил муносабати билан Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви нашри — «Бир сафда» журнали таҳририяти ходимларининг фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳақидаги мурожаатини эътиборга олиб, саховат ёрдамини аямаган тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгашига чексиз ташаккур билдирамиз.

■ Абдуқаҳҳор РАЗЗОҚОВ,
Балиқчи тумани Полвонкўл жомеъ масжиди имом хатиби

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида, аввало, инсон тақдири мужассам. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинки, одамларимиз юз-кўзида бугунги дориломон кунларга шукроналик акс этиб турибди. Бу эса ҳам оилада, ҳам маҳаллада, ҳам жамиятда ижобий ўзгаришлар учун замин яратаётир.

Яхшилик мужассам қўрғон

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Мустаҳкам оила йили» дея эълон қилингани ҳам жамиятимиз тараққиётида беқиёс аҳамият касб этади. Негаки, оила фарзандлар учун мустаҳкам тарбия қўрғони ҳисобланади. Инсон камолотида оила муҳитининг ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ислом динида ҳам оилага катта эътибор қаратилади. Оиладаги аҳиллик болалар тарбиясида муҳим ўрин тутиши кўп бор эътироф этилган. Ҳадисларда шундай дейилади: «Аллоҳнинг наздида бандаларнинг энг яхшиси ўз аҳли аёлига фойдаси кўпроқ тегадиган кишидир». «Икки кишига Аллоҳ Таоло қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига. 2. Ёмон қўшнига».

Дарҳақиқат, оила мустаҳкам бўлмаса, эр аёлига эътиборсиз бўлади, қариндошларни унутади, ёмон қўшнига айланади. Демак, уй саришталиги, болаларнинг яхши хулқ эгаси бўлишида асосий ўрин тутувчи аёлни қадрлаш, қариндош-уруғлардан узилмаслик, яхши қўшничилик каби эзгу фазилатлар оиладаги соғлом муҳит билан боғлиқ.

Шундай экан, давлатимизнинг бу каби эътибори, ғамхўрлиги ёш оилалар, турмуш қуриш остонасида турган йигит-қизларимизнинг кейинги ҳаёт йўлини ёритиши шубҳасиз.

Ҳарбий хизматчилар — касаба уюшмалари эътиборида

2-бет

Лайлак қарғаган овчи

3-бет

Янги кун янгиликлари

■ Иззат ҲИКМАТОВ

Қиш дастурхони учун

Яқин 3-4 йил ичида қиш учун тайёрланган маҳсулотларни сақлаш мақсадида Қашқадарё воҳаси бўйича 14,1 минг тонна совутгичли сиғимларни янгидан қуриш ва модернизациялаш режалаштирилган бўлиб, шу кунга қадар 8 та 3340 тонналик музлаткичли сиғим ишга туширилди ва вилоятда уларнинг сони 20 тага, сиғимлар ҳажми эса 14090 тоннага етказилди. Йил охирига қадар яна 1970 тоннали 19 та кичик сиғимли музлаткичлар фойдаланишга топширилади.

Вилоятнинг Китоб, Шаҳрисабз туманлари ва Қарши шаҳрида қишки мавсум учун маҳсулотлар ғамлашга эътибор кучайтириляпти. Масалан, Китоб туманидаги Дилдора Пўлатова раҳбарлик қилаётган хусусий корхонада «Агробанк»нинг туман бўлимидан 40 миллион 500 минг сўм кредит олиниб, бунга қўшимча 100 миллион сўмга яқин сармоя йўналтирилиб, Хитойдан ҳар бири 150 тоннали 2 та замонавий совуткич келтирилди.

Тумандаги ўнга яқин тадбиркор ва фермерлар томонидан ҳам ҳар хил сиғимдаги совуткичлар келтириб ўрнатилди.

Бу қишки мавсум учун етарли миқдорда картошка, пиёз, сабзи, карам, мева, полиз маҳсулотлари, гуруч ва дуккакли ўсимликлар маҳсулотлари тайёрлаш имконини берди.

■ Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кичкинтойларга ғамхўрлик

Самарқанд шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 13,5 минг нафар кичкинтойларнинг уч мингдан ортиғи спорт тўгаракларига жалб этилган.

— Спортнинг 11 тури бўйича 230 дан зиёд гуруҳлар фаолият олиб боришмоқда, — дейди тармоқ ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Давлат Ходжаев. — Амалдаги йилда ташкил этилган 10 та гуруҳда 320 нафардан ошиқ жажжи қизлар гимнастика билан шуғулланмоқда.

■ Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

«Ўзгеобурғунефтгаз» акционерлик компанияси тасарруфидаги «Сурхонпармалашишлари» ОТАЖнинг фидойи жамоаси вилоятнинг турли бурчакларида нефт конларини излаб топиб, пармалаш ишларини юқори савияда ташкил этаётир. Ўтган йили 6 та қудуқда қарийб 8 минг погон метр пармалаш ишлари бажарилди.

Саломга яраша алик

Корхонага тажрибали мутахассис Исмоил Рўзмонов бош-қош. Ишчи-ходимлар меҳнатига яраша манфаатдор бўлишаяпти. Улар махсус иш кийимлари билан таъминланган. Ўртача иш ҳақи 890 минг сўмни ташкил этади. Ишга қатнаш учун махсус автоуловлар ажратилган. Байрамлар муносабати билан жамоа ааъзоларига 350 млн. сўм мукофот берилди. Бундай ғамхўрликка жавобан белгиланган иш режалари ортиғи билан уддаланмоқда.

■ Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Саховат

Яқинда Марғилон шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш маркази, Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар вакиллари «Янги ҳаёт» маҳалласида яшовчи Ҳалимахон Холбобоева, «Косибчилик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Муҳаррамхон Маматбекова, «Турон» маҳалласида яшовчи Баҳром Аъзамов, «Дўстлик» МФЙга қарашли Ашхабад кўчасида яшовчи Назирахон Абдураҳмоноваларга ногиронлик аравасини ҳадя этишди.

Шунингдек, 1-Меҳрибонлик уйи, 22-махсус мактаб тарбияланувчилари ҳамда 4 нафар вояга етмаган ногиронларга ҳам шундай аравачалар топширилди.



Ришод Собиров — кумуш медал совриндори

3-бет

Ishonch
2012-yil 17-yanvar № 8 (3045)

Сарҳисоб

■ Акбар МАМАТҚУЛОВ,
«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Корхонамизда меҳнат муҳофазаси бўйича 283 нафар жамоатчи вакил сайланган бўлиб, уларга «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига асосан ҳар ҳафта иш пайтида камида икки соатдан вақт ажратиб берилган. Энг фаол жамоатчи вакиллар Низомга асосан ҳар чорак якунида рағбатлантириб борилади. «Меҳнат муҳофазаси бўйича кўрик-танлов ўтказиш» тўғрисидаги қарорга асосан «Энг намунали объект» ва «Энг фаол ходим» номинациялари бўйича энг яхши цех ва хизматчилар аниқланиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Қадр

2011 йил ёзги дам олиш мавсумининг тўрт навбатида корхонамизга қарашли «Шўртан қалдирғочи» оромгоҳида 1514 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилган бўлса, шундан 1228 нафари ходимларимиз фарзандларидир. Ғузор ва Яккабоғ туманларидаги кам таъминланган оилаларнинг 286 нафар ҳамда кўп болали, боқувчисини йўқотган ва касб касаллигига чалинган ходимларнинг 35 нафар фарзанди корхона ҳисобидан бепул дам олдирилди.

Ходимларни соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2011 йил 1 ноябр ҳолатида 1636 нафар ходим турли сиҳатгоҳларда дам олишди.

Турли спорт тадбирлари уюштириш орқали улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтираяпмиз. Жумладан, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат ва шашка бўйича анъанавий биринчиликлар ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилди. 238 нафар спортсевар ходим касаба уюшма қўмитаси совғаларига сазовор бўлди.

Бундан ташқари, корхона цех жамоалари ўртасида ўтадиган «Шўртан кубоги» мини футбол турнирини барча орзиқиб кутади.

Ғузор Ахборот технологиялари, Қурилиш ва коммунал хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги, Яккабоғ Қурилиш-саноат, Чироқчи Саноат касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари корхонамизда ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташди. Амалиётчилар махсус кийим-бош ва белгиланган тартибда маош билан таъминланди. Мутахассисларимиз «Усто-шогирд» анъанасини давом эттириб, ёшларнинг касбий кўникмасини бойитишди. 25 нафар битирувчи билан меҳнат шартномаси тузилди.

Инсон эътибордан куч олади. Корхонанинг 2010-2012 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига асосан янги ўқув йили бошида 2053 нафар ходимга ўқув қуроллари харид қилиш учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида моддий ёрдам берилди. Корхона маъмурияти маблағидан кўп болали, боқувчисини йўқотган, оилавий шароити оғир 602 та оилага 119 млн. 784 минг 890 сўмлик, касаба уюшма маблағидан эса 301 оилага 15 млн. 931 минг 195 сўмлик моддий ёрдам берилди.

Ишчилар овқатланиши учун бешта ошхона ишлаб турибди. Уларда пластик карточка билан савдо қилиш йўлга қўйилган. Сартарошхона ва савдо дўкони ҳам ходимлар ихтиёрида.

Мустақиллик шарофати билан қишлоқларимизда қурилаётган намунали уй-жойларни сотиб олишда ходимларга кўмаклашиш жамоа шартномасига киритилган. Жумладан, 2009 йилда 10 нафар, 2010 йилда 26 нафар ходим янги уйли бўлди. Ўтган йили эса Қарши тумани Мирмирон қўрғонида қурилаётган замонавий уйлардан 50 нафар ходим харид қилаётган бўлса, Ғузор тумани Шерали қишлоғида қад кўтарган уй-жойга икки нафар хизматчимиз кўчиб чиқиш арафасида. Уларга жамоа шартномасига кўра ёрдам сифатида уй-жойнинг 50 фоиз қиймати корхона ҳисобидан тўлаб берилди.

2012 йилда Ғузор тумани Ўнқишлоқ қишлоғида қурилаётган намунавий уй-жойлардан оладиган 100 нафар корхона ходимига молиявий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. Биринчи тўлов пул маблағи банк ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди.

Корхонамизда нафақага кузатилаётган фахрийлар ҳам алоҳида эътиборда. Ўтган йили 23 нафар ходимни пенсияга кузатиш тадбири ташкил этилди. Уларнинг кўп йиллик меҳнати эътироф этилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Янги йил байрами муносабати билан ходимлар фарзандларига «Қорбобо совғаси» ташкил қилинди. Бундан ташқари, болажонлар учун «Президент арчаси» байрам тадбири ўтказилди.

Бошланғич ташкилотлар ҳаётидан

■ Маҳфуза ЙЎЛДОШЕВА,
Навоий педагогика коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

Устоз-шогирдлик самараси

Ютуқлар ҳақида ўйлаганда, изланиш ва саъй-ҳаракатларимиз зое кетмаганлигидан енгил тортаман. Ўқув муассасамизнинг вилоятда энг намунали касб-ҳунар коллежи сифатида эътироф этилиши, кўплаб кўчма ва минтақавий ўқув-семинарларнинг масканимизда ўтказилиши ўзгача ғурур бағишлайди. Иқтидорли ўқувчиларимиз турли кўрик-танлов ва мусобақаларда фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Айниқса, коллежимиз талабаси Лайло Орзиевانинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлгани жамоамизга хурсандчилик улашди.

«Устоз-шогирд» анъаналари яхши йўлга қўйилгани ҳам мувафқиятимиз омили бўлмоқда. Ўқув йили бошидан ҳар бир ёш педагог тажрибали устозларга бириктирилди. Ноанъанавий дарслар, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ва ўз устида ишлаш жараёнида улар иқтидорини намойиш эта бошлади.

Касаба уюшма қўмитамиз сафида 226 нафар аъзо бор. Жамоада ҳамма бир-бирини яхши тушунади. 17 йилдан буён аҳил ва изланувчан жамоа касаба уюшмасига етакчилик қилиб келаяпман.

Яхши кунларда, байрамларда шодлигимизни бирга баҳам кўрамиз. Юбилейларни нишонлаш, кекса ўқитувчиларни пенсияга кузатиш яхши анъанага айланган. Янги йил байрами олдидан коллежимиз директори Рауф Гадойбоев ташаббуси билан бюджетдан ташқари тушган маблағлар ҳисобидан барча ишчи-ходимлар, педагогларга совға-салом улашилди. Шунингдек, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишлаб тадбир ташкил этилди.

Яқинда коллежимизда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги лицей ва коллежлар учун услубий семинар ўтказилди. «Энг яхши кафедра», «Энг яхши бўлим», «Энг яхши гуруҳ раҳбари» номинациялари бўйича ўтказилган танловларимиз яхши баҳоланди. Келгусида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида рағбатлантирувчи бундай тадбирларни янада кўпайтирамиз.

Ватан азиз, жасорат мангу!

■ Валишер АЗИЗОВ,
Бирлашма кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Ҳарбий хизматчилар – касаба уюшмалари эътиборида

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари томонидан қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вилоятдаги барча корхона-ташкилот ва муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек, ҳарбий қисмларда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Аждодлар қаҳрамонлиги — ёшларга ибрат», «Мамлакатимиз Қуролли Кучлари — тинчлик ва осойишталигимиз гарови», «Мардлар қўриқлайди ватанни», «Ўзбек йигити — мустақиллик посбони» мавзуларида тадбирлар ўтказилди.

Касаба уюшма ташкилотлари тарғибот-ташвиқот гуруҳи томонидан ҳарбий қисмларда «Оила мустақиллиги — юрт тинчлиги», «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари — асосий таянчимиз» мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди. «Энг яхши сержант», «Энг яхши гуруҳ командири», «Энг яхши взвод командири» номинациялари бўйича ғолиблар касаба уюшмалари томонидан тақдирланди.

Шунингдек, 2011 йил 11 декабрда Наманган вилояти Поп тумани Ғурумсарой қишлоғида Шарқий ҳарбий округ томонидан «Мен профессионал ҳарбийман» телевизион кўрик-танловининг округ босқичи ўтказилди. Унда 8 та ҳарбий қисм сержант ва аскарлари беллашдилар. Уларга вилоят касаба уюшмаларнинг совғалари топширилди.

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, мустақиллигимизни ҳимоя қилишда жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг 50 нафар фарзанди вилоят Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги ўзбек мусиқали ва драма театрида ташкил этилган «Арча байрами» тадбирида иштирок этди. Уларга касаба уюшмаларининг совғалари улашилди. «Ўзбекдавлатцирк» Республика бирлашмаси томонидан Фарғона шаҳрида ташкил этилган томошаларга ҳарбий хизматчиларнинг 26 нафар фарзандига бепул чипталар олиб берилди.

Вилоят марказидаги «Офицерлар уйи»да Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги билан ҳамкорликда ҳарбий хотин-қизлар ўртасида «Энг гўзал ҳарбий аёл» танлови ўтказилди. Танловда 7 нафар ҳарбий аёл маънавий-маърифий билими ва ҳарбий тайёргарлик бўйича маҳоратини намойиш этишди.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат вазифаларини ўташда алоҳида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ аскар ва офицерлар касаба уюшма совғалари билан тақдирланди.

Ҳарбий хизматчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ҳарбий қисмларда спорт мусобақалари ташкил этиш мақсадида ҳарбий хизмат ўтаётган аскарлар ўртасида волейбол, арқон тортиш, енгил атлетика, турникда тортилиш каби турлар бўйича мусобақа ўтказилди. Беллашувларда 150 нафар аскар иштирок этиб, ғолиб ва совриндор жамоаларга касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

■ Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Мамлакат қалқони

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоравул қўшинлари бош бошқармасининг ҳарбий қисмида Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 20 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлиги, бу шарафли касбни юрагида ўти бор, юртига жонини фидо қилишга тайёр ўғлонлар танлашини таъкидлашди.

Тадбирда ҳарбий қисмда фаоллик кўрсатган бир неча ҳарбий хизматчиларга «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига йигирма йил» эсдалик нишони, қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар тантанали топширилди. Санъаткорлар ижросида куй-қўшиқлар янгради.

— Қуролли Кучлар — мамлакат қалқони, — деди «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига йигирма йил» эсдалик нишони соҳиби, сержант Рауф Юсупов. — Халқимиз осойишталигини таъминлашдек шарафли касбни танлаганимдан фахрланаман.

Шунингдек, Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ҳарбий қисмга Президент асарлари, илмий-бадиий китоблар топширилди.

■ М. МУҲАММАДЖОНОВ

Байрам тадбирлари

Шарқий ҳарбий округ ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят бўлими ҳамкорлигида округ қўшинлари таркибидаги ҳарбий қисмлар ўртасида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 20 йиллигига бағишлаб «Шунқорлар» ҳарбий спорт ўйинлари ўтказилди.

Иштирокчилар «Учувчилар», «Десантчилар», «Қалқонлар», «Лочинлар» гуруҳларига бўлиниб, ҳарбий қуролни йиғиш ва ёйиш, тош кўтариш, арқон тортиш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасида маҳоратини намойиш этдилар.

Тадбир қатнашчиларига Шарқий ҳарбий округ ҳамда «Камолот» ЁИҲ томонидан таъсис этилган диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ кенгашлари вакиллари ҳарбийлар ҳузурида бўлишди. Мамлакат чегара қўшинлари «Жанубий Ғарб» минтақавий штабига қарашли ҳарбий қисмлар ходимлари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

■ Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир доирасида аскар ва офицерлар билан суҳбатлар уюштирилди. Уларга ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари ҳамда касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 5 млн. 707 минг сўмлик китоблар, кийим-кечак, спорт жиҳозлари топширилди.

Тўкин дастурхон атрофида тўпланган ватан посбонларига «Нозанин» фолклор-этнографик, «Феруза» ашула ва рақс ансамбллари чиқишлари завқ бағишлади.

■ Қувват ҚАДИРИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Соғлом она — соғлом бола

2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили дея эълон қилинишини Нукус шаҳридаги Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари горнизони ҳарбийлари ҳам мамнуният билан қарши олишди. Бунга горнизон ҳудудида жойлашган 16-мактабда «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида ўтказилган «Отам, онам ва мен — спортчи оиламиз» мавзусидаги спорт мусобақалари жараёнида яккол гувоҳ бўлдик.

Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Нукус шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига бағишлаб ташкил қилинган ушбу спорт мусобақасида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этишди. Ҳар бир иштирокчи шартларни намунали бажариб, тиришқоқлиги, интизомини намойиш қилди.

Қизғин беллашувларда сафарбарлик чақирув резерви кичик сержанти Улуғбек Худойберганов оиласига биринчи, ҳарбий қисм кичик сержанти Султонбек Қаллибеков оиласига иккинчи, ҳарбий қисм хизматчиси Елмурат Ўтемродов оиласига учинчи ўрин насиб этди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

■ Жамшид ЭРГАШЕВ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейи ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Муносиб рағбат

Мазкур академик лицейда 450 нафар ўқувчи таҳсил олади. Улар касбга йўналтирилган сабоқларни олиш билан бирга, олий ва олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга тайёрланишади.

Тадбирда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси, шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари бўлими ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Унда миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлиги, ёшларда ватанпарварлик руҳи кучайиб, ҳарбийлик касбининг нуфузи ортаётганлиги таъкидланди.

Академик лицейнинг ўқув-тарбиявий ишларида фаол иштирок этаётган, шунингдек, ёшларни она-Ватанга чексиз садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган 10 нафар ўқитувчи ва ҳарбийларга тармоқ касаба уюшмаси шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Байрамнинг бадиий қисмида санъат усталари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

■ Тимур НАРЗИЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири

Парвоздаги лочинлар

Қуёш баланд тоғлар ортидан эндигина бўй кўрсатаётган маҳал ҳарбий аэродром томон йўл олдик. Узоқдан қараганда аэродром ҳали сукунат оғушидадек. Аммо яқинроқ келсангиз, унда ҳарбий хизматчилар парвозга шайланиб, жанговар вертолётлар ёнида елиб-югуришаётгани, ҳар бири зиммасидаги вазифаларни адо этиш мақсадида ҳаракатланаётганини кўрасиз. Бугун улар учун янада масъулиятли кун. Чунки жанговар вертолёт экипаж аъзолари навбатдаги амалий ўқ отиш машқларини бажаришади.

— Машғулотларда асосан ҳар бир вертолёт экипажининг вазифаларни сифатли уддалашига ҳамда бошқа жанговар учиш аппаратлари билан мувофиқликда ҳаракатланишига эътибор қаратилади, — дейди парвозлар бўйича катта муҳандис Санжар Қодиров. — Шу билан бирга, жанговар вертолётни парвозга тайёрлаш, унинг техник ҳолатини назорат қилиш ҳамда харитада белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, нишонга зарба бериш каби вазифалар экипаж аъзолари зиммасида.

Учиш аппаратларини ҳавога кўтаришга шай экипаж аъзолари, аввало, белгиланган тиббий кўриклардан ўтказилди. Ундан кейин жанговар вертолётларнинг техник ҳолати текширилиб, алоқа воситалари ва учишни назорат қилувчи асбоблар яна қайта кўздан кечирилди. Барча текширувлар тугагач, маълум масофадаги белгиланган нишонларни йўқ қилиш вазифасини олган лочинлар вертолётларга чиқишди.

— Учиш аппаратлари ердан кўтарилиб, токи парвозни амалга ошириб, ортга қайтгунча радиолокатор ва бошқа махсус асбоблар ёрдамида бошқарув пунктидан туриб назорат қилинади, — дейди округ вертолёт авиациясининг масъул офицери Туйғун Холмирзаев. — Бу ҳолатларда учиш техникалари билан доимий алоқа ўрнатилиб, вазият борасида тинимсиз маълумот олинади ҳамда тегишли кўрсатмалар бериб борилади.

Биринчи жанговар вертолёт учиш-қўниш йўлаги томон ҳаракатланиб келиб, ғилдираклари оҳиста бетон плиталаридан узганча осмонга кўтарилди. Унинг кетидан қолганлари ҳам бир неча дақиқа оралиғида парвозни бошлашди.

Самода белгиланган маршрут бўйлаб ҳаракатланаётган моҳир учувчи, экипаж командири вазифасини бажараётган офицер Отабек Камалов штурвал ёрдамида жанговар бурилиш ҳосил қилишга уриниб, маҳоратини намоён этди. Вертолёт белгиланган нишон сари ҳаракатланмоқда. Учувчи-оператор капитан Умид Раҳматуллаев вертолёт мониторидан электрон мўлжаллагични нишонга тўғрилагач, экипаж командирига маълумот берди ва ўт очиш тугмасини босди. Бошқарилувчи ракета нишон томон йўналди ва тўрт-беш сонияда танк макетига тегиб портлади. Натижа ёмонмас. Яна жанговар бурилиш ва иккинчи ракетанинг ҳаводаги изи кўринди. Буниси ҳам бехато тегди. Шундан кейин пулемётдан ўқ узилиб, нишон батамом яксон этилди.

— Мазкур машқларнинг назарий билимимизни амалда мустаҳкамлаш ва соҳа бўйича тажрибамизни оширишда ўрни катта, — дейди экипаж командири, моҳир учувчи офицер Сардор Султонов. — Бугунги амалий ўқ отиш машғулотида экипаж аъзоларимиз билан юқори натижани қайд этишни мақсад қилганмиз. Шу сабаб олдиндан пухта тайёргарлик кўриб, компютер тренажёрларида маҳоратимизни оширдик.

Машғулотлар учувчиларимизнинг мукаммал кўникма ҳосил қилганлиги, само сарҳадларимиз ишончли қўлларда эканлигини исботлади.

■ Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Сариосиё тумани ҳақида гап борганда кўз ўнгимизда «Шарамозор» шаршараси ҳамда Сангардак олмалари гавдаланади. Сангардак қишлоғи одамлари азалдан боғдорчилик, чорвадорлик ва лалми деҳқончилик билан шуғулланиб келишади.

Саидваққос бобонинг боғлари

Тошлоқ ерда деҳқончилик қилиш айтишга осон. Омилкор деҳқон Саидваққос бобо Мирзаев бу борада ўзига хос мактаб яратган. Узун ўрмон хўжалигининг Сангардак бўлими ташкил этилган пайтлар Саидваққос бобо ва унга тенгдош одамлар боғ барпо этишда тажриба орттиришган. Андижон, Наманган ва бошқа жойлардан мевали дарахт кўчатлари келтиришган, тоғ шароитида ўсадиган тўғдона, арча, ёввойи терак каби ниҳоллар экишган.

Отахон «Сангардак» СИУ ҳудудидаги Сойималла кенгликларида очган ерида олманинг бир неча навини ўстириб, катта боғ яратди. Бир неча йилдирки, боғдан тонналаб мева олаяпти. Бобонинг фарзандлари ҳам ёшликдан меҳнатга меҳр қўйиб ўсишди. Ўғиллари «Сайид Иномиддин Файз» фермер хўжалигини ташкил этиб, чорвачилик ва лалми деҳқончилик билан шуғулланиб келишаяпти. Улар 5-6 йил олдин 5 гектар лалми ерда 2 минг туп олма ниҳолларини экиб, боғ ташкил этишди. Бугун ҳалол меҳнати самарасини кўраётган бобонинг ўғиллари хайрли ишларга ҳам бош бўлишмоқда. Хусусан, «Сангардак» дарёси устида бешта кўприк қуришга ҳомийлик қилдилар. Қабристон, маҳалла йўлларини ободонлаштиришга ҳисса қўшиб келишаяпти.

Боғ яратиб, обрў орттирган 77 ёшли Саидваққос бобо Мирзаев ҳаж зиёратига бориб, ҳожи бўлиб қайтди. Нуроний отахон одилона сиёсат олиб бораётган Юртбошимиз ва халқимиз ҳаққига ҳамиша дуода. Фарзандлари, набиралари ва қишлоқ аҳлига жонкуяр маслаҳатгўй.

Ўзбекистон — умумий уйимиз

Фарғона вилоятида етти миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда. Немис миллий-маданий маркази шулар жумласидандир. Марказда миллий байрам ва маданий тадбирларни юқори савияда ўтказиш учун барча шароит яратилган. «Биз — бир оила фарзандларимиз» шиори остида фестивал, концерт ва ижодий учрашувлар ташкил этиш анъанага айланган. Бу ерда фаолият юритаётган немис тилини ўрганиш, вокал, театр, амалий ва тасвирий санъат йўналишидаги тўгаракларда ўнлаб ёшлар ўз билим ва малакасини оширмоқда. Марказ қошидаги кутубхонада кўплаб нодир адабиётлар жамланган.

Суратда: Фарғона вилоятидаги немис миллий-маданий маркази қошидаги тўгарак аъзолари Лола Мирзаева, Мария Чижовкина, Рамиля Турсунова ва Артём Яйков.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт

■ Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси

Ришод Собиров — кумуш медал совриндори

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган «Masters» туркумидаги халқаро турнирда икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров кумуш медалга сазовор бўлди.

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) қарорига кўра, «Masters» туркумидаги мусобақаларда ҳар бир вазн тоифасида жаҳон рейтингининг кучли ўн олтилигига кирувчи энг сара дзюдо усталари совринли ўрнилар ва Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг баллари учун рақобатлашади.

Олмаота шаҳри мезбонлик қилган нуфузли мусобақада эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда дунёнинг 44 мамлакатидан икки юз нафардан зиёд спортчи татамига чиқди. 60 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Ришод Собиров нидерландиялик Жероен Мурен, қозоғистонлик Еркебулан Коссаев, россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда яна бир россиялик дзюдочи Арсен Галстян билан рақобатлашган ҳамюртимиз кумуш медал билан кифояланди.

Ҳиндистонда шахмат бўйича «Parsvnath International Open — 2012» халқаро турнири бошланди. ФИДЕ қоидалари бўйича Швейцария усулида 11 турдан иборат бўлган нуфузли мусобақада дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан уч юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун дона сурмоқда.



Пешқадамлар сафида

Ўнинчи маротаба ташкил этилган халқаро турнир ўзбекистонлик Марат Жумаев ва Жаҳонгир Воҳидов учун омадли бошланди. Тажрибали гроссмейстеримиз Марат Жумаев дастлабки икки партияда ҳиндистонлик шахматчилар Гурунг Ракеш ва Сантану Борпатра Гохаинни мот қилди.

Халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов қуръа натижасига кўра, дастлабки учрашувда мезбон шахматчи Вис Вешхарга қарши қора доналарда ўйнаб, ғалабага эришди. Кейинги партияда ФИДЕ устаси — ҳиндистонлик шахматчи қиз Ивана Мария Фуртадо ҳам Жаҳонгирнинг ғалабасини тан олди.

■ Б. УМИРЗОҚОВ, ТАТУ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раис ўринбосари

Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб Тошкент ахборот технологиялари университетида Бирлашган касаба уюшма қўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкилоти ташаббуси билан профессор-ўқитувчилар ўртасида мини футбол мусобақаси ташкил этилди. Унда факултетлар ва ҳарбий кафедрадан 60 дан ортиқ ўқитувчилар иштирок этди.

Майдонда — профессор-ўқитувчилар

Эрта тонгдан бошланган ўйинлар қизиқарли тус олди. Мусобақада обрўли устозларнинг иштирок этгани ёш ўқитувчиларга ўрнак бўлди. Финал босқичида «Иқтисод ва бошқарув» ва «Ахборот технологиялари» факултетлари ўртасида шиддатли ўйин бўлиб ўтди. «Иқтисод ва бошқарув» факултети жамоаси кучли эканлигини намойиш этиб, Бирлашган касаба уюшма қўмитасининг совғалари билан тақдирланди.

Лайлак қарғаган овчи

■ Ўролбой ҚОБИЛ, Қамаши тумани

(Бўлган воқеа)

I

Қўл-оёғи бехосдан қимирламай қолган Қулман овчини уйидагилар тезликда шифохонага олиб боришди. Орадан бир ой ўтса-да беморнинг аҳволи ўнгланмади. Хотини эса ромчи-фолбинларга ҳам бориб келди. Фолбинлардан бири: «Овчи экан, парранда-даррандаларга кўп зиён етказибди, кўзимга аллақандай оқ қуш кўринди, беморлиги ўшандан», дебди.

Дўхтирлар ҳам охири Қулман овчига: «Уйга бориб, бир ҳаво алмаштириб келинг», деб жавоб беришди.

Дашту далада юрган одамнинг уйда ётириши ва юролмай қолишининг турган-битгани азоб-уқубат эканини Қулман овчи бошидан ўтказди. Охири тақдирга тан берди. Ўйлай-ўйлай бу азобларининг жавобини топгандек бўлди.

Ўшанда Қулман овчи кўнглини ёзиш учун милтиғини елкасига осиб дарё бўйидаги тўқайзорга борган, иккита қуён ва уч-тўртта қуш отиб, энди қайтмоқчи бўлиб турганди. Дарёнинг жилдираб оқадиган жойида турган икки жуфт оққушга кўзи тушди. Овчи ўйлаб ҳам ўтирмай милтиқнинг тепкисини босди. Қушларнинг бири қулади, иккинчиси жон ҳолатда ҳавога кўтарилиб учиб кетди.

Қулман овчи ўлжасини сувдан олиб кўрди ва қўрқиб кетди, ўлиб ётган қуш лайлак эди. Унинг ёдига отаси айтган сўзлар тушди: «Болам, овчиман деб жонзотларга кўпам зиён-заҳмат етказма, айниқса, мусича, каптар, лайлак ва қалдирғочга ўқ уза кўрма. Улар фаришталик қушлар, Биби Фотиманинг қушлари...»

Овчининг кўзи баланд, тарвақайлаб кетган кекса тут дарахтидаги лайлак уясига тушди. «Бекор қилдим, бечора лайлакни нега отдим?», деб ўз-ўзига дашном берди.

II

Ўғлининг касалхонадан келганини эшитган Чори бобо уни кўргани борди. Тўшакда ётган бемор отаси билан бош иргаб саломлашди. Бобо охири ўғлидан сўради:

— Болам, менга тўғрисини айт, касалинг оддий дардга ўхшамайди, қандай айб қилувдинг?

Қулман овчи бошидан ўтган ҳодисани яширмасдан минг бир надомат чекиб сўзлаб берди. Ота ўғлининг сўзларини тинглаб бўлгач, деди:

— Ҳой, нодон бола-я, охири мен кутган фалокат бўлибди-да, сен лайлакнинг қарғишига қолибсан.

— Энди нима бўлади, ота? — сўради Қулман овчи зорланиб.

— Мен эртага Кийиктепага бориб мулла Содиқдан бир маслаҳат сўрайин, балки бирор йўлини кўрсатар.

Эртасига Қуръон тиловат қилиб ўтирган мулла Содиқ Чори бобони илиқ кутиб олди. Икки тенгқур қария ҳол-аҳвол сўрашгач, Чори бобо ўғлининг бошдан кечган воқеаларни сўзлаб берди. Мулла Содиқ чуқур ўйга толди ва оҳиста сўради:

— Меҳмон, билишимча сиз художўй одамсиз, нега ўғлингиз бунчалик раҳмсиз бўлиб тарбия топди. Ёки она томондан бирортаси бадфеъл ўтганми?

Чори бобо ростини айтди:

— Онасининг тоғалари кўзи очроқ, айтишларича катта тоғалари ўғрибоши бўлган экан.

— Алҳазар, Қулманбой ўша томонларга тортибди-да, — деди мулла Содиқ ҳайратланиб.

Чори бобо ўксик товушда сўради:

— Энди мен нима қилай, бу қарғишдан қутилишнинг имкони борми?

— Буни етим қолган лайлак болалари ҳал қилади, бу ҳали жуфтидан айрилган ёлғиз лайлакнинг қарғиши, полопонларининг қарғишига қолса ёмон бўлар-ов...

Чори бобонинг кўз ўнгидан ўғли Қулманнинг уч ўғли ва икки қизи ўтди.

— Ишқилиб қарғиш болаларига урмасин-да...

Мулла Содиқнинг Чори бобога раҳми келди, аммо қўлидан нима келарди. Ич-ичидан эзилаётган қарияга қандай таскин берсин?

Мулла Содиқ охири деди:

— Энди бир гап, ўша лайлак уясини топинг. Полапонларга хўрак беринг, фақат ўғлингизнинг молини сўйиб, нимталаб ташланг, зора, лайлаклар ҳам Оллоҳнинг яратгани, шафқат қилишар...

Чори бобо ўғлининг семизгина қўчқорини сўйиб нимталади ва халтага солиб лайлак уя қурган тут тагига сочиб ташлади. Шарпани сезган лайлак аввалига лаҳм гўштни чўқилаб кўрди ва бир бўлагини тумшуғига илиб уясига кўтарилди.

Очиққан полапонлар бир зумда гўштни еб бўлишди. Лайлак яна пастга шўнғиди ва бояги ҳаракатини такрорлади.

— Ҳайрият, — дея Чори бобо тин олди, сўнгра ўзига-ўзи далда берди. «Эртага яна гўшт олиб келаман, қўйэчкиси тугаса, сигирини сўйиб келаман, фақат ўғлим, болалари омон қолса бўлгани!».

Орадан кунлар, ҳафталар ўтди. Чори бобо эса тинимсиз лайлак болаларига емиш таширди.

— Отангиз бу кетишда бизни кафангадо қилади, — деди шифтга қараб ётган Қулман овчига аёли...

— Ишинг бўлмасинг, отам бир нарсани биладики, қиляпти, агар шу балодан қутилиб олсам, қўлимга милтиқ ушламайман, йигит сўзим!

III

Ниҳоят Чори бобо ва ўғли Қулман овчи, унинг оила аъзолари кутган кун ҳам келди. Лайлак болалари учирма бўлди. Лайлаклар мустақил ўлжа топадиган бўлишди. Ҳадемай кузак шамоллари эсиб бир-икки бор ёмғир ёғди. Кунларнинг бирида бешта лайлак Қулман овчининг ҳовлисини беш бора айланиб учди ва Тангритоғ тарафга учиб кетишди.

— Бобо, суянчи беринг, отам юриб кетди, қўллари ҳам қимирлаяпти!

Неварасининг ҳовлиқиб айтган сўзлари эндигина бомдод номозини ўқиб бўлган Чори бобони қувонтириб юборди.

Бобо меҳр билан набирасининг пешонасини силади. Лайлакларга мурувватли, шафқати учун шукроналар қилди.

Лам ва дам

Маълумки, 14 январга ўтар кечаси Италия қирғоқларида «Коста Конкордия» саёҳат лайнери ҳалокатга учраган эди. Кема Жило ороллари яқинида рифга урилган, оқибатда жиддий зарар кўриб чўка бошлаган.

Кичик хатонинг катта оқибати

Кема бортида 4000 йўловчи бўлиб, улардан 6 киши ҳалок бўлган, 16 киши эса бедарак йўқолган. Йўловчиларни тўлиқ эвакуация қилиш ишлари якунланмасдан кемадан «жўнаб қолган» капитан Франческо Скеттино эса атайлаб уюштирилган қотилликда гумон қилиниб, қамоққа олингани хабар қилинган эди.

Олиб борилаётган тергов-суриштириш ишлари натижасида ҳалокатга оид янги тафсилотлар аниқланмоқда. Ҳалокатнинг бош сабаби, айниқса, ўринсиз бўлса-да, кулгили туюлади. Маълум бўлишича, капитан Франческо Скеттино Жило оролидаги эски денгизчи қадрдонига салом йўллаш учун кемани атайлаб оролга хавфли даражада яқинлаштирган.

Италия прокурорлари 52 ёшли Франческо Скеттинонинг ушбу хатти-ҳаракатини масъулиятсизлик ва тентаклик деб баҳолаган. Саёҳат кемаси соҳиби «Costa Crociere» компанияси вакиллари ҳам ҳалокатга инсон омили сабаб бўлганини тахмин қилишмоқда. Шуниси қизиқки, уларнинг айтишича, кема капитани лавозимига тайинлангунига қадар Скеттино компания кемалари хавфсизлигига жавобгар шахс бўлган.

Аввалроқ капитан Скеттино кема ҳалокатига рифларнинг харитада акс эттирилмагани сабаб бўлганини айтган эди. «Costa Crociere» компанияси ҳам ҳалокат пайтида кеманинг белгиланган курсдан четга чиқмаганини тасдиқлашган. Италия прокуратураси Скеттинони эҳтиётсизлик оқибатида кишилар ўлимига сабабчи бўлишда ва чўкаётган кемани йўловчиларни тўлиқ эвакуация қилиш якунланмасдан бурун ташлаб кетишда айбламоқда.

Немис тадбиркорларига иш вақтида чекиш учун танаффус қилишни тақиқлаш таклиф қилинмоқда. Бу ғояни Германия ўрта ва кичик бизнес Федерал жамияти (BVMW) президенти Марио Охофен илгари сурган.

Чекиш тақиқланадими?

Ушбу жамият фаолияти тадбиркорлар манфаатларини сиёсий ва маъмурий жиҳатдан ҳимоя қилиш, шунингдек, касаба уюшмалари билан музокаралар олиб боришга қаратилган.

«Иш вақтида тамаки тутунини бурқситишга чек қўйиш вақти келди. Чекиш учун танаффус қилиш корхоналарга зарар келтиради ва иш жараёнига халақит беради», — дейди Марио Охофен. Фикрининг далили сифатида у «иш вақтида чекиш йўқ» қоидасига амал қилинадиган Швеция корхоналарини мисол қилиб келтирган.

Германия Тадбиркорлар уюшмаси (UMW) раиси Урсула Фрерихс ҳам бу таклифни ёқламоқда. «Қашандалар учун алоҳида танаффусларни бекор қилиш лозим. Бундан чекмайдиган кишилар зарар кўришига йўл қўймаслик керак», — дейди у.

Сиёсий доираларда ҳам тадбиркорлар уюшмаларининг ушбу ғоясига бефарқ қаралаётгани йўқ. Жумладан, соғлиқни сақлаш ишлари бўйича мутахассис, профессор Карл Лаутербах чекмайдиган ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш юзасидан фикрларини билдирган. Шу билан бирга, у чекишни тақиқлаш чекувчи ишчиларга нисбатан камситиш бўлади, деган мулоҳазани айтиб ўтган.

Россияда Белгиянинг «FASSKAS» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган «Дамил 1» болалар учун қуруқ сут маҳсулотини сотувдан олиш ишлари бошланди.

Истеъмолдан чиқарилади

Россия истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ташкилоти (Роспотребнадзор) раҳбари Геннадий Онищенконинг сўзларига қараганда, маҳсулотнинг фақат «BN0391» белгиси қўйилган партияси сотувдан олинади.

Мамлакатнинг Иркутск вилоятидаги Усолье-Сибирск шаҳрида маҳсулотнинг истеъмол қилиниши оқибатида юзага келган салмонеллез касаллиги шундай чоралар кўрилишига сабаб бўлган. У ерда ичак инфекцияси касаллиги билан 16 бола хасталанган, улардан 13 нафарининг ёши икки ҳафтадан етти ойгачадир.

Австриянинг Вена шаҳрида яшовчи, дайди Херманн Шляйхерт кўчадан 7000 евро солинган конвертни топиб олди ва эгасига қайтарди. Маълум бўлишича, 48 ёшли Шляйхерт 26 декабр куни кечқурун йўлкада 500 евролик пуллар солинган конверт топиб олган.

Инсофли дайди

Бу пайтда унинг чўнтагида бор-йўғи 80 евроцент ва бўш сигарет қутиси бўлган. Шляйхерт топилмани ўзига таниш ижтимоий ишлар ходимасига, у эса ўз навбатида, полиция идорасига етказган.

Топилма ҳақида, пулни ўзига олиб қолиш фикри тўғрисида берилган саволларга Шляйхерт шундай деб жавоб берган: «Мен бир сония ҳам иккиланганим йўқ. Бу ўғирлик бўлар эди».

Шляйхерт алкоголга қарши даволаниш муассасасида вақтинча яшайди ва даволанади. Бир неча йил олдин у қамоқхонада жазо муддатини ўтаган. Австрия ОАВларида ёзилишича, топилган пул унга жуда қўл келиши мумкин эди. Чунки мамлакатда уй-жой сотиб олиш учун бошланғич маблағ 1500 еврони ташкил қилади.

Айни пайтда Вена полицияси пулларни қонуний эгасига қайтарган.

Интернет хабарлари асосида Жаҳонгир ЮНУСОВ тайёрлади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташқилотлари бирлашмаси ва тармоқ касаба уюшмалари шаҳар кенгашлари жамоалари Бирлашма кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси Саъдулла Маҳмудовга опаси **ЗУМРАД аянинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

Учтепа туман халқ таълими бўлими ҳамда таълим, фан ва маданият ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси жамоалари халқ таълими аълочиси **Тўйчи АҲМАДКАБИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 17-yanvar № 8 (3045)

■ Эшниёз БУРҲОНОВ,
Чироқчи туманидаги 34-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси

Посбонлар

Халқ яшасин деб бахтиёр
Сарҳадларда ҳар он ҳушёр,
Мудофаа учун тайёр –
Ватанимиз посбонлари!

Метин – бардош, иродангиз,
Сарҳадлараро ҳормангиз.
Ҳимояда ҳеч толмангиз,
Ватанимиз посбонлари!

Ривож топсин она-ватан,
Дея доим сергак турган.
Қушнинг ҳам кўзидан урган,
Ватанимиз посбонлари!

Ёмғир-қорни писанд қилмай,
Кеча-кундуз доим бирдай.
Наъра тортган мисли шердай,
Ватанимиз посбонлари!

Соҳибқирон авлодисиз,
Буюк юртнинг саботисиз.
Халқимизнинг қанотисиз,
Ватанимиз посбонлари!

Ўзбекистон – гўзал чаман,
Толеингиз бўлсин баланд!
Бўлинг юртга содиқ фарзанд,
Ватанимиз посбонлари!

БИЛИМЛИЛАР СИНОВИ

Наманган шаҳрида анъанавий фан олимпиадаларининг шаҳар босқичи ўтказилди. Таълим сифатини оширишга қаратилган мазкур беллашувда етмиш мактабдан ўқувчилар турли фанлар бўйича ўз билимини синовдан ўтказди. Ғолиблар вилоят босқичига йўлланма олди.

Суратда: олимпиадачи-ўқувчи Муршида Мамадалиева.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

■ Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Бугуннинг талаби асосида иш юритиш кишидан истеъдод, ҳаракатчанлик ва метин ирода талаб этилади. Бу борада Тошкент шаҳар қурилиш миллий касб-ҳунар коллежи дизайнерлик бўлими 3-босқич талабаси, «Баҳодиржонова М.Б.» хусусий корхонаси раҳбари Мадина Баҳодиржонованинг интилиши ҳар жиҳатдан ҳавасга лойиқ.

«Устоз-шогирд» тизими — амалда

Чинничи қиз

Мазкур корхона Мадинанинг буваси, машҳур архитектор, наққош Баҳодир Муҳамаджоновнинг оила аъзолари билан биргаликда йўлга қўйган тадбиркорлик фаолияти натижасида шакллантирилган. Мадина чинни фаянс ва сопол буюмларни ишлаб чиқариш, чиннига безак бериш ва экспорт қилиш билан шуғулланади.

Йигирма ёшли бу тиришқоқ қизнинг қўлга киритган ютуқлари салмоқли. Жумладан, ўтган йили «Зулфияхоним қизлари» танловининг Олмазор туман босқичида санъат йўналиши бўйича фаол иштироки учун фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар «Камолот» ЁИҲ томонидан ўтказилган кўргазмада эса «Энг ёш тадбиркор» номинациясида ғолиб бўлди. Тошкент шаҳар тадбиркор ва ишбилармонлар жамоат бирлашмаси томонидан «Оилавий бизнес йўналишида ишлаб чиқарган маҳсулотлари учун» диплом билан тақдирланди. Бундан ташқари, ўтган йили 3 та кўргазма ташкил этди. «Ташаббус — 2011» Республика танловининг туман босқичида 2-ўринга сазовор бўлди.

— Корхонамизда иш қизғин. 20 хил чинни маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз, — деди Мадина биз билан суҳбатда. — Идишларга безак бераётиб, буважонимга ич-ичимдан раҳмат айтаман. Чунки бизни шу даражага етказишда у кишининг хизмати катта. Тенгдошларим менга ҳавас билан қарайди. Бизда 20 нафар ёш ҳунарманд «Устоз-шогирд» йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. 6 йилдан буён шу иш билан шуғулланаман. Айни кунда атлас, адрас нусха янгича безаклар устида ижод қилаяпмиз.

Корхонада 12 нафар ишчи фаолият кўрсатмоқда. Тинимсиз меҳнат эвазига ўтган йилги даромад 55 млн. сўмни ташкил этди.

— Мустаҳкам оила йилида ёшларимизнинг ўқиш ва изланишларида муваффақият тилайман, — дейди Баҳодир Муҳамаджонов. — Катталар ўгитига қулоқ тутиб, дадил ҳаракат қилишса, улар, албатта, кўзланган маррани забт этишади. Зеро, устоз-шогирдлик анъанаси асрлар оша бежиз яшаб келмаётир.

Барча ютуқлар замирида оиладаги муҳит катта ўрин тутади. Мадинанинг бувиси Маҳмуда Муҳамаджонова Кимё технология илмий-тадқиқот институтида катта илмий ходим, чинничилик бўйича мутахассис. Отаси Ботир ака, онаси Фотима опа ҳам шу иш билан банд. Оилада яна Шарифжон, Исмоил, Мафтуна, Мухлиса, Муҳаммаджон каби фарзандлар ўсиб-улғаймоқда. Келажакда уларнинг ҳам сулола давомчилари бўлиб етишишига умид қиламиз.

■ Навбаҳор РАҲМОНОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим-қадим замонда қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, тошбақа тарозибону, қурбақа ундан қарздор экан... Бу сўзлар беихтиёр бизни беғубор болалик дамларига бошлайди. Ҳар биримиз эртаклар оламида катта бўлганмиз.

Мулоҳаза

Эртак эрмак эмас

Эртак халқ оғзаки ижодининг энг қадимий турларидан. Аждодларимиз уни «этук» деб аташган. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони луғатит-турк» асарида тўлиқ маълумот берилган. Ўша даврлардаёқ махсус эртак кунлари ўтказилиб, эртакчи чоллар томонидан қаҳрамонлар образи гавдалантириб берилган. Асрлар ўтиб «этук» атамаси ҳар бир воҳада ўзгача номда атала бошланган. Хусусан, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғонада «матал», Бухорода «ушук», Хоразмда «варсане», Тошкентда эса «чўпчак» дейилган.

Эртак шу тариқа халқнинг кундалик турмуш тарзига сингиб кетган. Аммо компютер асрида яшаётган болаларимиз бугун қай даражада эртаклардан хабардор?!

Етти-саккиз ёшли болалардан «Қандай эртак қаҳрамонларини биласиз?» дея сўраганимда, аксарияти фақат телеэкран орқали намойиш этилган филм, мултфилмлардаги қаҳрамонларни санашди. Ҳайтовур, ўзбек халқ эртакларидан «Зумрад ва Қиммат»ни билишаркан.

Ўйланиб қоласан: бунга сабаб нима? Компютер ўйинларими ёки ҳар хил мултфилмлар ёхуд ота-оналарми?! Меҳрибон онажонлар эслаб кўрсинлар-чи, охирги марта боласини оғушига олиб эртак сўзлагани ёки фарзандимга ўқиб бераман, деб китоб харид қилганини. Оилавий муаммолар кўплигини пеш қилишга ўрганиб қолганмиз. Аммо «бошқа»лар ҳаётини акс эттирувчи сериалларни томоша қилаётганимизда бир бурчакда ўзи билан ўзи овора фарзандимизга қиё ҳам боқмаймиз. «Нега болам ғарбона кийимларни кийишга бунчалик ўч» деб ўйлаётган оналар болаларига бирор марта эртак сўзлаб бермаган. Ҳали ҳам вақт бор, кичкинтойингизни эртакка ошно қилинг. Оталар «Ўғлим эртанги кунда сабрсиз, иродасиз бўлиб вояга етмасин» деса, уларга эртак сўзласин. Бобо-ю бувижонлар неварасини кўп ҳунар соҳиби бўлишини истаса, яна ва яна эртак айтсин.

Психологларнинг фикрича, эртак тинглаган бола зийрак бўлиб камолга етади. Бола яхши ва ёмонни эртак орқали ажратиб олади, фикрлашга ўрганади. Демак, эртак бола учун шунчаки эрмак эмас.

■ Ш. ЖЎРАҚУЛОВА
Навоий шаҳри

Бир пайтлар қаламинг шахдам, овозинг қулоқларни қоматга келтирар, кўз қарашинг эса одам тугул темирни-да тешиб юборгудай қаҳрли эди. Кўпинча ноҳақ бўлсанг-да ҳақлигингни исботлашга уринардинг ва сувдан қуп-қуруқ чиқардинг. Одамларни бир-бирига қайраб, ит-мушук қилиш сенга роҳат бағишларди. Дили вайрон, қалби озурда бўлганлар, сенга дуч келиб қолса, Азроилни кўргандай айланиб ўтадиган бўлишган эди.

Меҳр бер, дунё

Аслида илминг, шижоатинг билан кўпчиликка ибрат бўлгулик эдинг. Бироқ, «Олға! Фақат, менинг ортимдан» деган ақидага жисму жонинг билан ёпишиб олгандингки, бошқаларнинг билими-ю меҳнати наздингда бир пул эди... Вақт ўтган сайин шаклу шамойилинг ва басирлигинг бор бисотини намоён этди ва ўзинг сезмаган ҳолда, одамлар назаридан пастликка шўнғидинг. Гарчи энди, четга чиқиб мусичадай беозор кўринсанг-да, мабодо навбат тегиб қолса, нақ шерга айланиб, ичингда буруқсиб ётган аламларингдан юракларни аёвсиз тиғлайдиган ва бундан яйраб баҳра оладиган бўлдинг. Пана-пастқамларда ўз қавминг устидан фисқу фужур, иғволар ёғдириб, кўз-кўзга тушганда, шундай ҳамду санолар битаяпсанки, мана-ман деган буқаламун олдингда ип эшолмаса керак.

Эй, ғофил банда, агар сенда иймон сабоғидан бир мисқол қолган бўлса, аҳли маъруфни боплаб «адабини берганинг» «самараси»ни неча бор «татиб» кўрдинг ва «ҳузурини» ҳам тотдинг. Узангида оёғинг илашиб қолгани билан паст-баландда судралиб заха бўлган жисми-руҳингга ҳеч қурса раҳминг келсин энди. Бу ёғига чекиниб йўл бер. Зора, сенинг дилингда ҳам диёнат-оқибат ва МЕҲР куртак ёйса...

■ Шафоат ЖЎРАҚУЛОВА

Анча пайтдан буён кўришмаган икки ўртоқ учрашиб қолишди.

— Ҳа, жўра, нега шаштинг паст, соғлиғинг жойидами ўзи?

— Э қаёқда, дўстим бир ҳафтадан бери аъзои баданим қалтираб, ҳамма ёғим қақшаб оғрийди, — дея инқиллади Норқўзи. — Ҳар хил дори ичавериб, ичим дорихонага айланиб кетди ўзиям.

— Одамларга ҳам ҳайронман, ҳадеганда дўхтирга чопади, — ачинганнамо гапирди Эшпўлат. — Бу омон бўлгур дўхтирлар ҳам бор барака, деб дори-дармонни чекланмаган ҳолда қулоч-қулоч ёзиб бераверишади. Шўрлик бемор эса яна «вой-вой»лаб юради ичак-чавоғи химикатдан идраб. Ундан кўра шифобахш гиёҳлар билан даволовчи бир зўр табиб танишим бор, шунинг олдига боргин, уч кунда ҳамма дарддан фориғ бўлиб, чопқиллаб кетасан.

— Унда тезроқ манзилини берақол, борсам борақолай, тузалсам бўлди, — уҳ тортди Норқўзи.

«Ишбилармон» табиб

Одам роса тирбанд бўлса, анча навбат кутсам керак, деб ўйлаб келаётган Норқўзи табибнинг эшиги олдида ҳеч зоғ йўқлигини кўриб, бир томондан хурсанд ҳам бўлди. Ним қоронғи хона тўридаги қалин кўрпачалар устида ястаниб ўтирган ўрта яшар эркак кўзойнак остидан Норқўзига қирғий қараш қилди-да, «ўтир» дегандай имо қилди. Дардини тўкиб солган Норқўзи жавдираб табибга қаради.

— Ҳмм, иним, ичингизга совуқлик ин қурибди, — эринчоқлик билан сўз бошлади табиб. — Энди қиздирувчи, юмшатувчи муолажаларни олсангиз, Худо хоҳласа, отдай бўлиб кетасиз.

— Майли, айтинг, тезроқ тузалай, табиб ака.

— Биринчидан, тўрт яшар такининг қуритилган қони керак?

— Така дейсизми, — талмовсираги Норқўзи.

— Ҳа, иним, такани тош қозон устига сўйиб, қоннинг аввали ва охирини оқизиб ташлайсиз.

— Табиб ака, мен умримда чумчуқ ҳам сўймаганман, ҳатто қарашга ҳам қўрқаман.

— Унда қассобга сўйдирасиз. Энди қулоқ тутинг, қоннинг ўртасини қозонга оқизиб қотишини кутасиз, қотгандан сўнг бироз ун қўшиб қориб, кулча ясайсиз ва бояги тош қозонни қиздириб қотириб оласиз. Бу кулчани Миср боқиласи ва Рум райҳонининг сувига ботириб есангиз, жуда катта фойдаси борлигини сезасиз.

— Ме-ен... — жунжикиб яна сўз бошлади бемор.

— Иккинчидан, — унинг сўзини бўлиб давом этди табиб. — Зирпиҳли, гугуртли ва мўмиёли сувда ёки денгиз сувида чўмиласиз. Кейин баданингизга қуст ва қора беда ёғидан сурасиз.

— Нима? Қанақа сув, нима ёғи дедингиз? — ҳовлиқиб сўради Норқўзи.

— Ҳой, одамзод, бердисини айтгунча жим ўтиринг-да, энди, — зарда билан гапирди табиб. — Агар қалтирашингиз бошдан бўлса домиюн барги билан қуқоё ҳап дорисидан кунига икки маҳал тановул қиласиз. Бузилган хилтларингиз юмшаб мўътадил ҳолга келгандан кейин эса, Абу Жаҳл тарвузининг гўшти билан сақмуниё дарахт пўкагининг омухта қайнатмасини кунига уч маҳал ичганингиздан кейин баданингиз қизиб, ичингиздаги совуқлик чекинади.

Табибнинг гапи тугашини сабрсизлик билан кутган Норқўзи шошапиша сўз бошлади:

— Табиб ака, боя айтган жумлаларингизнинг кўпига тушунмадим, денгиз сувига ювинишим учун денгиз бўйига боришим керакми, айтганларингизни қаердан излаб топаман...

— Денгизга бориш шарт эмас... «Водовоз»да келтириб қўйганмиз, қолганлари ҳам ўзимизда топилади, фақат нархидан чўчимасангиз бўлди, иним. Мана бу мен айтган гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни кунига икки марта ичасиз.

— Раҳмат, табиб ака, овқатдан олдинми, кейинми?

— Фарқи йўқ, хўш, энди ҳисоб-китоб қилсак, маслаҳатга 15 минг, дамламага майли 55 минг, жами 70 минг сўм тўлайсиз, иним.

— Йўғе... — Норқўзи бўшашиб кетди. — Сал арзонроқ қилинг, табиб ака.

— Нима бу ер сизга ошқовоқ бозорими, бор-барака қиладиган, тез бўлинг, айтилганни столга қўйингу хонани бўшатинг.

Ноилож пулни тўлаб, кўчага чиққан Норқўзи хуноби ошиб деди: «Вей, «шилувчи-ишбилармон»ей, ёнбошлаб олиб атторнинг қутисида йўқ гаплар билан, беш дақиқада ўн кунлик иш ҳақимни боплаб шилиб олдия. «Денгиз суви» эмиш, қўлмак суви десанг-чи. «Шифобахш» деб бир-икки хил хашакка сув қўшиб қайнатиб пуллаб юрибди бу зўраки табиб. Тўхта-тўхта, унинг сўзлари қулоғимга танишдай эшитилдими, эҳа... ёдимга тушди бир вақтлар Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»га бир қур қараб чиқувдим. Демак, табиб ўша китобдаги сўзларни ўғирлаб олиб, маъносига ўзи ҳам тушунмай тўтиқушдай сайраётган экан-да. Ҳозир қайтиб кириб башарасини текислаб қўйсаммикан? Журъатим етмас-ов...»

Ҳажвия

Insonga naf keltirish – oliy baxt
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov
Tahrir hay'ati: Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV
Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73
Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78
Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com
Nashr ko'rsatkichi: 133
Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A. Arslonov
Musahhih: S. Shodiyeva
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
(h) - Tijorat materiallari
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 20. 00
Buyurtma Г — 111
22523 nusxada bosildi
1 2 3 4 5